



Давлат қабули самараси

Махсулотнинг давлат қабули корхоналарда сифатга бўлган талабчанликни кескин оширишда, ҳар қандай бракка йўл қўйишларга...

Биз катта қийинчиликка ҳам дуч келдик. Буюртмачилар бизга редукторларни ўз вақтида етказиб бера олмади. Январ ойида шундай бўлди, кейинги ойда таъминот ишлари юришиб кетар десак, бу ойда ҳам зарур редукторларни ололмайдимиз.

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган. № 42 (6.531) 1988 йил 20 февраль, шанба Баҳоси 3 тийин

Замон билан ҳамнафас

Мамлакатимизда кенг қўл очиб қайта қуриш театрларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу табиий, чунки бу жараён давр тақозоси. Ҳаётимизнинг ҳамма жаҳаларидаги турғунлик юксалишига эмас, инқирозга олиб келиши мумкин эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда репертуаримизда жамиятимиздаги салбий ҳодисалар ҳақидаги асарлар кўпайди. Бу бир жиҳатдан қараганда тўғри, аммо нега ижобий ҳодисалар ҳақида индамай қўйдик? Мен бир актёр сифатида замон қаҳрамонлари — етуқ кишиларининг ҳақида асарлар яратилишини истардим.

Яна бизни ташвишлантирадиган ҳол «Ленин ва Шарқ» темаси. Маълумки, доҳийимиз Шарқ халқлари ҳақида кўп қайғурган... Бу ҳақда Социалистик Мехнат Қаҳрамони К. Яшин икки катта полотно — «Йўлчи юлдуз» ва «Инқилоб тоғи» тарихий драмаларини яратди. Нега шундай шарафли ишни бошқа драматургларимиз давом эттиришмайди? Балки сув билан тирик бўлгандай театр драматургларимиз ишлай олмади. Тўғри, ёшлар ҳисобига драматургиямиз сони кўпайиб бормоқда, аммо ҳали кўплари миз майда мавзулар билан ўраланиб қолмоқда.

Ҳайта қуриш деганда ҳар бир ишни ўзимиздан бошлашимиз керак бўлади. Энди биз қилаётган ишларимизни ўрқоқлаштириш учун спектаклларимиз муҳокамага йирик танқидчиларни талқиф қилишимиз. Яқинда москвалик танқидчи, профессор Е. А. Суворов бир неча спектаклларимизни кўриб, ўз мулоҳазаларини айтди. Тошкент Давлат университетини педагогика институтини талабалари билан томошабинлар конференцияларини уюштирдик. Биз илгарилари фақат ўз фаслида гастроллар ўтказган бўлсак, эндиликда йил — ўн икки ой қишлоқ районларига бориб, меҳнаткашлар учун томошалар кўрсатишга қарор қилдик.

Бу йил Ҳамаа номи Ленин орденли ўзбек Давлат Академик драма театримиз ташкил топганига 70 йил тўлади. Тарихта назар ташлар эканмиз, устозларимиз доимо давр билан ҳамнафас, партия қаҳриқларига ҳозиржавоб бўлганини кўрамиз.

ЗАМОНДОШИМИЗ



СУРАТДА: Александр Сергеевич Васильев. Т. Каримов фотоси.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

19 февраль куни Тошкентда «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишларини тақомиллаштириш» қайта қуришни боришига партия ташкилотлари таъсирини кучайтиришнинг муҳим омилли мавзуда илмий-амалий конференция иш бошланди.

Конференцияда Тошкент об-ласт партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг муdiri П. В. Догонкин, москвалик ва тошкентлик олимлар доклады қилишди.

Конференция икки кун давом этади. (ЎЗАТА).

Партияимизнинг сайлаб қўйилган органлар фаолиятини коллектив равишда муҳокама этиб, унинг ишига муносиб баҳо бериш, коммунистлар принципчилигини ва масъулиятини янада ошириш, қайта қуришни олдинги сафида бораётган коммунистларни янги вазифалар сари илқомлантириш бўйича бераётган кўрсатмаларини бошлангич партия ташкилотлари беками-кўст амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Тошкент тўқимачилик компанияси бошлангич партия ташкилотларининг йиғилишларида ана шу масалалар атрофида муҳокама қилинмоқда.

Қайта қуриш ва биз ЖОНБОЗЛИК КЕРАК

ташкилотчи Л. Муслидинава сўз олд. — Роза — ўз туппа-тузук йигирувчи. Агар сиздан қандайдир бемаълум бешта машинани эплайди. Лекин, ҳар ойда камид биттадан прогуд қилади. Масалан, сўнги ойда бригадани кўрсаткичлари оdatдигдек юқори бўлди. Плян 102 процент бажарибди, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи 104 процентга етказилди. Бирок, Розанинг прогудли тўғрйли бригадга мусобақада мукофотли ўрин берилмади ва 300 сўм пул мукофотини ололмадик. Розани бир неча бор ишчи йиғилишларида муҳокама этидик, қатъий чоралар кўридик, фойдаси бўлмади. Унинг сўнги пайтларда биз коммунистлар ҳам интизом бузувчиларга қарши курашни анжа бунаштириб юбордик. Бундайларни жиддий муҳокама этадиган вақт келди, чамамда.

Шундан сўнг йигирувчи, цех бошлангич партия ташкилотчи секретари С. Попова сўзга чиқди: — Шу кунларда ҳамма ҳар бир коллективда қайта қуриш ҳақида гап бормоқда. Лекин, цехимиздаги гапиршишга ҳам аримайдиган кичик ҳўсонлар ишимизга катта ҳалал бермоқда. Олдинги мисол, ёритиш системалари ишини олайлик. Қачондан бери биз ҳам, бошлиқларимиз ҳам бригаданинг А. Луныкин, Р. Муллажонов, Б. Шамаев, М. Мираҳмедов, В. Сотников каби бунёдкорлари кунлик топириқларини 120—130 процент бажариб, ҳаммасларига ўрнат бўлишди. Ҳозирда курувчилар институт педагоглари учун 48 квартиралар гузар жой биноси қурилишини бошлаб юбордилар. М. ОТАХОНОВ.

КАМОЛОТ ЙЎЛИ

У оддий, аммо шарафли касби билан фахрланади. Камолот йўли осон эмас: киши ўзига мос касб танласа тузук, акс ҳолда ярим йўлга борганда «бу касб менга тўғри келмас экан» дейдиганлар ҳам учраб туришини Александр Сергеевич ўз корхонасида кўрди. Аммо унинг ўзи касб танлашда адашмади.

Бундан қирқ йил муқаддам токарлик касбига ихлос қўйганди... Александр Сергеевич билан учрашганимизда беихтиёр биринчи берган саволимиз ҳам шу бўлди: — Бир касбда — қирқ йил. Бу ҳазил гап эмас. Жуда завқланиб ишласангиз керак-а? — Ҳа, — деб дангал жавоб берди, у ишчига хос қатъият билан, — касбим ўзимга ёқди. Шунинг учун ҳам қирқ йил токарлик дастгоҳи ёнида кўз очиб-юмтувча ўтиб кетганга ўхшайди. Ҳа, айтгандай, шундай вақтнинг ярмини, яъни йигирма йилни мана шу қадрдон дастгоҳим ёнида ўтказганман.

Бу сўзларда фахрлининг ҳиссини, ҳам ўз ишидан қандайдир қаноатланмаслик туйғусини сездик. Буни пайқаган Александр Сергеевич бироздан кейин шундай деди: — Йигирма йил ичда биргина меннинг дастгоҳим эмас, механика участкасида биронта ҳам токарлик дастгоҳи янгиланмади-я. Ҳолбуки, разрядим биринчидан олтинчига етди.

Ҳа, ишларни қайта қуриш ҳақида борди. — Корхонамиз ҳали қайта қуришнинг катта йўлига чиқиб олганча йўқ. Тўғри, бу ҳақда гапирляпти, аммо биз, ишчилар уни участкаларда тўла ҳис этмаймиз. Мана, бунга ёрқин мисол: йигирма йилдан бери битта дастгоҳини айлантиришман. Тўғри, кун-кеча битта янги токарлик дастгоҳини олиб келишди, аммо ҳали ўрнатилганча йўқ...

Мана икки ойдики, Александр Васильев ўзи ишлаётган «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат коллективи кенгаши аъзоси. — Ишимизда туб ўзгариш бўлиши керак, — дейди у. — Бўлажак кенгаш конференциясига ўйлаб юрган бир қанча таклифларим бор... Шогирдлар тайёрлаш масаласи — муҳим муаммолардан бири.

Моҳир токарнинг ҳозирда йигирма бешдан ортқ шогирди бор. Улардан Турдубоев, Исмоиловларни ҳурмат билан тилга олди. Шогирдлари сафи кенгайиб борапти. Қалби олов одамлар меҳнатда ўз иқтидорини кўрсатгани каби, яхши кишиларини ҳам ўзининг нури йўлидан эргаштириб боради.

Х. ИКРОМОВ. Т. Каримов фотоси.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Тинчлик» чинниси

БУГУН Тошкент чини заводи меҳнат аҳли Совет Армиясининг 70 йиллик тўйи шарафига янги махсулот ишлаб чиқара бошлади.

Бу лаган, коса, лиқобча, чойнак ва лиёлалардан иборат «Тинчлик» чинни идишлари термасида баҳор гуллари ва бакубар тимсоли акс эттирилган. Бундай нафис буюмлардан 300 таси тайёрланди. Ф. Муродова бошчилик қилаётган бригада комсомол-йшлари «Тинчлик» чинни идишлари термасининг нафис гуллари моҳирона чизилмоқда.

Янги ётоқхона

БУГУН Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари учун 240 ўринли ётоқхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 12-трест 50-курилиш бошқармасининг В. Иванов, В. Арзамасцев бошлик бригадга азаматлари самарали меҳнат қилдилар.

Бригаданинг А. Луныкин, Р. Муллажонов, Б. Шамаев, М. Мираҳмедов, В. Сотников каби бунёдкорлари кунлик топириқларини 120—130 процент бажариб, ҳаммасларига ўрнат бўлишди. Ҳозирда курувчилар институт педагоглари учун 48 квартиралар гузар жой биноси қурилишини бошлаб юбордилар. М. ОТАХОНОВ.

«Чиннигул»

БУГУН Студентлар шаҳарчасида «Чиннигул» кооператив ташкил этилди.

Гуллар чаманида Махшара Зиёева гул шинаяндаларига намунали хизмат қилмоқда. Бу кооперативда космос, шар, геран, традиқания, асперагус, алоэ, кюс, хитоб атиргули каби бир қанча гуллар бор. «Чиннигул» кооператив студент йигит-қизларининг туғилган кунлари, турли концерт ва ижодий учрашувлар учун гул ҳозирлашда жуда кўлай бўлди. М. МАЪҚУЛОВА.

Тўрт юз оила қувончи

БУГУН Бошляк, Юнусов, «Ғалба»нинг 40 йиллиги, Калинин масивларида 9 қаватли турар жой бинолари фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Аёлларга ярашади

БУГУН республика модалар уйи ижодкорлари янги замонавий модалар жакет ва блузка коллекцияни яратдиши.

Музейда халқ университети

Ўзбекистон пойтахтида, Ойбекнинг уй-музеида халқ адабий университети очилди. Университет шаҳар китобсеравлар кўнгилини жамияти ва «Билим» жамиятининг ташаббуси билан ташкил этилди. Бу китобна фаол тарғиб қилувчиларини, адабиёт музейларининг жамоатчилиги асосида иш олиб борувчи пропагандачиларини, халқ китоб магазинлари ташкилотчиларини тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган республикадаги дастлабки шундай бирлашмадир.

А. АЛЕКСАНДРОВ.

# Секретарь хисоб берди

Секретарлар соати машғулотида келган коммунистлар олдин аёл фойсига кўйилган экзопонларни бир-бир қўздан кечириб чиқаришди. Уларда «Средэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бirlашмасида коммунистлар аттестацияси қандай бораётганини рақамлар ва диаграммаларда ифода қилинган эди.

Бирлашмада 28 та цех партия ташкилотлари бор. Уларнинг бир қисмида ҳозир коммунистлар аттестацияси низомига етгани. Тузилган бешта комиссия ҳар ҳафтада ўрта ҳисобда 40 га яқин коммунистни аттестациядан ўтказишади.

Бу муҳим сиёсий кампанияга бирлашма партия комитети олдиндан пухта ҳозирлик қилган ҳолда келган эди. Кўп нуқсонли газета саҳифаларида аттестация тартибига оид бир қатор мақолалар эълон қилинди. Бирлашма партия комитети секретари А. М. Стражков радио орқали 4 март сўхбат ўтказди. У аттестациядан кутинган мақсад ва навоҳиларни цех партия ташкилотлари секретариликка, барча коммунистларга тушунтириб берди. Айна пайдада цех партия ташкилотлари секретариликнинг фикр ва мулоҳазалари ҳам ўрганиб чиқилди. Ниҳоят аттестация комиссияси мажлисига энг аввало пасив коммунистларнинг тақлиф этишга қарор қилинди.

Биринчи гада аттестациядан ўтаётган коммунистлар аниқланиб, улар рўйхати кўриларди жойларга осиб қўйилди. Берилган характеристикалар очик партия йиғилишларида муҳокама қилинди. Коммунистларга комиссия аъзоларидан тушадиган саволлардан намуналар тақдим қилинди.

Бу тадбир коммунистлар масъулияти ва сезирлигини маълум даражада оширди. Аттестация олдиндан цех қизил бурчалари, кутубхоналар коммунистлар билан гавжумлашиб қолди. Улар КПСС Программаси ва Уставини, партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети материалларини такрор ва такрор ўқишга киришган эдилар.

Комиссия мажлисларида коммунистларнинг билим дораси, ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлари, оилавий аҳволи, партия тошмириқларига муносабати ҳар томонлама таҳлил қилинмоқда. Кейинги мажлислардан бирига 23 нафар коммунист тақлиф этилиб, уларнинг 19 нафари аттестациядан ўтказилди. Лекин тўрт нафари шартли равишда аттестация қилинди. Олдинги мажлисларда ҳам бир қатор коммунистлар аттестациядан ўта олмаган эдилар. Бундай талабчанлик ҳар бир коммунистнинг меҳ-

нат ва сиёсий активлигини оширишга ёрдам беради.

Секретарлар соати машғулотида А. М. Стражков коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациядан ўтказиш бўйича қорхонада тўпланган дастлабки тажрибалар билан ўртоқлашди. Бу ўзига хос бир ҳисобот эди. Бошланғич партия ташкилоти секретари унинг сўзларини диққат билан тинглаб, ўзлари дуч келётган бир қатор нуқсонликларни бамаслаҳат ҳал этиб олдилар. Аттестация ишларини жонлантиришга, бу тадбирнинг тарбиявий ролини оширишга қаратилган тақлифларни ўртага ташладилар.

Коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациядан ўтказиётган партия ташкилотлари сони Ленин райониде кейинги пайтларда анча кўпайди. Ҳозир 128 та бошланғич ташкилотда коммунистлар аттестациядан ўтмоқда. Бу ташкилотларга қарийб 8 минг коммунист бирлашган. Шу кунгача уларнинг 714 нафари комиссия мажлисларига тақлиф этилди. Сўхбатлар низоҳатда жиддий бўлди. Ҳеч кимга ён босилмади. Ҳар бир коммунист фаолиятга ҳолис баҳо берилди.

Сўхбатлар давомиде ижтимоий-сиёсий ҳаётда пасивлик кўрсатаётган коммунистлар аниқланиб, уларнинг 102 нафари шартли равишда аттестация қилинди. 17 нафар коммунист эса аттестациядан умуман ўта олмади. Улар орасида уч нафар раҳбар коммунист ҳам бор эди.

Ҳозир аттестация ажувлари очик партия йиғилишларида муҳокама қилиниб, аттестациядан шартли равишда ўтган ёки ўта олмаганларга нисбатан жиддий партиявий жазолар берилляпти.

Аттестациянинг бориши бизни тўла қониқтирмайпти, — деди Ленин район партия комитетининг иккинчи секретари М. Содиқов. — Районимизда 301 та бошланғич партия ташкилоти бор. Уларга салкам 15 минг коммунист бирлашган. Барча коммунистлар билан бир-бир сўхбатлашиб чиқиш учун анча вақт талаб этилади. Лекин кўпгина партия ташкилотлари бунга ҳисобга олмабляптилар. Коммунистлар аттестацияси вақтида ўтказишга шоянмайляптилар. Ҳозир районимиздаги илгор ташкилотлар аттестацияни ўтказиш бўйича маълум тажриба тўпладилар. Бу тажрибага амал қилиб барча жойларда аттестацияни жонлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ж. НОСИРОВ.

# Она ва ўғил ҳикояти

Бир дўстимнинг зиёратига борган эдим. Ҳузурга кириб, ўзига боқдим-да, таъбиб тирриқ эканини кўрдим: «Тинчликми?» деб сўрадим.

— Онам жуда эзма, инжиқ бўлиб кетган-да! — деди у қизариб-бўзариб.  
— Ундай дема, — дедим унга, — она инсон учун бебаҳо давлат. Отанг ўлгач, ёш қолса ҳам сенинг тарбияниги бўйинга олиб, бошқа турмушга чиқмаган шу онанг эмасми?!

Рубойи;  
Бог кўрки қизил гуд, хуш исси бўлар,  
Уй кўрки оила қариси бўлар.  
Кекса она сенга давлати уйқол,  
Қариси бор уйнинг париси бўлар!

— Онам инжиқ дейсан, — давом этдим мен, — гўдаклигинда ширин уйқусини ҳаром қилиб эмизганлиги ёдиндан кўтаридими? Сенинг қилган инжиқликларинг олдида она инжиқлиги арзиманг нараса-ку!

Рубойи;  
Она меҳри гўё бир ришта бўлур,  
Дилни боғлар, фарзанд саришта бўлур.  
Муштинлар оқининг васфига сўз йўқ,  
Она хона ичра фаришта бўлур.

— Борди-ю, она инжиқ бўлганда ҳам, — давом этдим мен, — у сенга зиё етказиш учун инжиқлик қилмайди. У сенинг бирорта айбонини йўқотмоқчи ёки яхши йўлга йўлламоқчи бўлади. Сендаги маърурилик ва ўздан кетиш эса, онанинг ҳақ гапларини эзмалик ва инжиқлик деб қабул қилишга ундайди. Гапнинг қисқаси, онанг сенинг кўп йиллик инжиқлигинга чидаган эди, энди навбат сенга, сен ҳам унинг инжиқлигига чида ва қарзингни ўз!

Дўстим менинг сўзларимга лом-ним демай ўтирар, ўзининг айбдор экани кўриниб турар эди. Кейин маълум бўлишича, у яқна-ёлғиз синглисидан анчадан буён хабар олмас, ҳол-аҳвол сўрамас экан. Она эса, акалик бурчини бажаришга ундар, унга тинимсиз танбех беради.

Ҳар қандай фарзанд холи бўлади,  
Она сўзларидан бўйин товланган —  
Игитнинг бил, қадди дол! бўлади!

Маҳмуд ҲАСАНОВ.

1. Қадди дол — эгилган қадди-қомат.

## Янгича аънаналар—ҳаётга

# ТЕАТРДА ОЛТИН ТҮЙИ



Театр томошабини билан лиқ тўлди. Залдаги чироқлар ўчиб, дилрабо кўшиқ янгради. Духоба палек остида келин ва кўвони саҳна томон қорлади. Гулдурос қарсақлар, олқишлар авжга минди. Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат ветерани Содиқов ака Тошхўжаев билан қаҳрамон она Каримахон ая Тошхўжаеваларнинг олтин тўй баъзи эди бу. Томошабинлар ажойиб учрашув, тўйнинг устидан чиқиб қолишгандан мамнун эдилар. Тўйга 13 фарзанд, 43 нева ва эваралар ҳам келишган. Кўнлаб келин туширган, ҳаётнинг ач-қичуғини тўтган меҳрибон ва мунис онахонлар бирма-бир саҳнага таширф буюрдилар. Улар қудайлар. Олтин тўй сабабчиларини қўлагани ташриф буюришган. Саҳнада ўз тақдирдан хурсанд бўлиб ўтирган табарруқ инсонларга боқиб ҳавас қилсан киши.

— Ярим аср тинч-тотув, аҳил умр кечириларингизнинг боиси нимада! — олтин тўйни бошқарётган севилиб актрисасиз Дилором Каримова уларга юзланди.

— Аввало садоқат, — дея жавоб бердилар Содиқов ака. Қолган гаплари Каримахон ая давом эттирдилар.

— Юртимиз тинч, хонадонларимиз тўқ, маъмурилик... Шунга қарамай баъзи оилаларда ҳузур-ҳаловат йўқолмоқда, қўйди-чиқди кўпаймоқда. Баъзи келинчаларимиз ҳаёт сўқмоқларидан юришга дош бера олмабляптилар. Болалар уйларининг сони кўпайиб, «Мен сизни соғиндим онажон, ақали бир келиб кетинг!» — нидоси бот-бот эшитиладиган бўлиб қолди.

13 фарзандни воёга етказиш осон бўлмади, албатта. Маъюз тортанг, қувонган оналарим ҳам кўп бўлди. Шукрки ўғилларим, қизларим, келинларим бовод, бири педагог, бири ҳамшира, бошқаси инженер, тўқуви, қўйинки, бари эл хизматиде. Бир ҳовида яшадик, 26 жон бир қорзондан овқат ичдик. Фарзандларим уғайиб аста-секин динимизга киришди. Бирлари бир ишни қилса, қолганлари бошқа ишга уннардилар. Келинларимга билмаганларини ўргатдим, набираларимга қарашдим, хуллас ўртамаздаги меҳр-оқибат йўқолмаслигига ҳаракат қилардим. Содиқов акам бекорга садоқат сўзини тилга олмадилар. Иккинчи фарзандларини камолга етган инсонлар қилиб тарбиялаш учун қўлимиздан келганини қилдик. Уларга «ёлгон гапирмайсизлар, бировни алдамай-

сизлар, хиёнат қилмайсизлар — шу сизларнинг энг тўғри йўлигиз бўлади» дея уқтирдик. Панд-насихатларимиз зое кетмади. Қерда ишлашмасин ҳаммасининг коллективиде ўз ўрни бор.

Баъзан «Карима ая, шунча боланинг ташвишдан ортиб қувонган оналарингиз ҳам бўлганми?» дея сўраб қолишди. Челоғимни бағримга босар эканман унга камол тўладим, атак-чечак қилганлариде қувондим, қўлларига жажжи портфель кўтариб илк бор мактабга отланган тонларде қувондим, хунар билим юртларини, олий ўқув даргоҳларини тамомлаб диплом олиб келганлариде бошим осмонга етди. Қиз узетиб, келин туширишимде ёлғизим кўш бўлди, бағрим бутун бўлди дея яна қувондим.

Содиқов ота ва Каримахон аяларга бундан ҳам ортиқ бахт борми ўзи!

— Энди хафа бўлган кунимни айтмасам ҳам бўларди, лекин ҳозирги шароитимиз айтишни текозо қилмоқда, — дейди ая. — Биз Самарқанд Дарбозаде истиқомат қилардик, Октябрь район ижроия комитетининг қарорига биноян уйимиз бузилди. Урннга 9 қаватли уй тушадди, дейишди ўшанда. Навоий кўча-

сидан 38 квадрат метрдан иборат уч хонали кўй беришди. Кенжа ўғлимнинг уйлантиришим керак эди. Мана ине яқинда кенжа келинни ҳам бағримгаме босдим. Болаларим баҳраманд бў бўлаётган узум, ўрик, олма даракларини ҳам синиб кетди. Орадан 3—4 йил ил ўтишиче қарамай ҳеч нарсэ қуририлгани йўқ, қероვისз ётибди.

Бугунги кунда театр ва томошошабин масаласи шунчаки масала эмас, ас, балки у ижтимоий, ахлоқий масаладир. Бунинг билан хис қилган театр гр коллектив хайрли хис бошладди. «Нияти-миз томошабинларимизни од оддий, камтар, меҳнатқаш одамлар би билан яқинроқ таништириш, — дейишди театр актёрлари. — Улар бугун ўшунгадай ажойиб учрашувлариде маънавий озоқ олсинлар, токи ўларидан кейин яхши ном қолдириб, она йна Ермишнинг гуллатсинлар».

Ниҳоят, тантаналар тугаб, сч, саҳна пардаси кўтарилди. «Шу фарзандиятевтрининг — навбатдаги томошошаси — севилиб ёзувчимиз Х. Ҳ. Нияти-мизнинг «Майсаранинг иши» спектакли бошланди.

Г. МИРЗАХОШИМОВА.  
СУРАТДА: учрашув пайти.  
Е. Ботиров фотоси.

# Э Н Г, Э Н Г...

## Ажойиботлар оламида



«ИЛ—62» самолётларини сошлашда, ремонт қилишда илгор ремонтчиларнинг жуда катта ҳиссаси бор. Виктор Калленков ана шунлардан биридир. 243-граждан авиацияси заводнинг пешқаддам ремонтчилар бригадаси етакчиси ҳаминша коллектив ҳурматига сазовор бўляпти. Бу

бригада ўзаро социалистик мусобақада пешқаддамлар сафиде бораляпти. Кундалик тошириқларини мунтазам аъло сифатли қилиб адо этиляпти.

СУРАТДА: Виктор Калленков.  
М. Нуриддинов фотоси.

Сингапурнинг ҳаваскорлик хори «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олади. Коллектив уч сутка давомида танаффуссиз қўшиқ айтиб, 74 соатга тенг бўлган янги «жаҳон рекордини» ўрнатди.

га муваффақ бўлди. Бунга қадар эришганлар «зафар» Зимбабведаги ҳаваскорлик хорларидан бирига мансуб эди. Етти йил муқаддам унинг ижроичилари танаффуссиз 72 соат-у 2 минут қўшиқ айтганлар.

Синьхуа агентлигининг ҳисоблашича, Ханжюудаги бадий бўюмлар фабрикасида тўқилган «Тоғ ва дарёлар бўйлаб ўн минг ли» картинаси Хитойдаги энг узун шойи деворий пейзаждир.

Сун династияси (960—1279 йиллар) даври расомчи Чжао Фу пейзажини акс эттирган мазкур асарнинг узунлиги тўққиз метрдан ортиқ. Мамлакат шарқиде жойлашган Ханжюу шаҳри қадимдан тўқиначилик кас-

# ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

Шанба калейдоскопи Шанба калейдоскопи Шанба калейдоскопи

## Радиокўприк орқали танишув

«Антенна Викальвар» радиоси орқали 90 минут давом этган «А фондо» («Муфассал») нўрсатувида Совет Иттифонининг хозирги кунини, Испания ва СССР ўртасидаги дипломатия алоқаларининг 10 йиллиги ҳақида сермазун сўхбат борди. Мадрид ва Москва илк бор

радиокўприк орқали боғланди. Иккала пойтахт радиостудияларида журналистлар ва жамоат арбоблари йиғилиб, баҳо олиб боришди. Уртача ва камроқ олислик ракеталари хушсусидаги Совет-Америка шартномаси, СССРда қайта қуриш ва унинг халқаро муносабат-

## Бреخت марказининг юбилейи

ГДРдаги Бреخت марказига 1978 йилда асос солиниб, Берлиндаги Бреخت Уйи реконструкция қилинган эди. Бертолт Брехтнинг кутубхонаси билан Архий, ёзувчи ва унинг рафиқаси, актриса Хелен Вайлнинг уй-музейи ҳам шу ерда жойлашган.

Бреخت маркази ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳинқоқ қилувчи кўргазмалар, кинофильмлар кўриги, лекцияларни уюштирадди. Музей ошончаси эса бу ерга келувчиларни Хелен Вайгель хуш кўрган, Вена ошончаларида тайёрланган таомлардан татиб қўришга тақлиф этади.

Ун йил мобайнида марназга беш мингга яқин гурпа: 7200 киши таширф буюрди.

Берлиндаги марназ Бреخت ҳақидаги халқаро мунозараларни аж олдиришда фаоллик кўрсатмоқда. Ҳар йили ёзувчи тугилган кунини бу

ерга чет эллик мутахассислар тақлиф этилиб, конференциялар ўтказилади. «Бреخت Африка, Осиё ва Латин Америкасида», «Бреخت социалистик мамлакатларда», «Бреخت ва марксизм», «Бреخت эстетикаси» ваби иллий ишлар ана шу конференцияларнинг махсулидир. Берлин марказининг «Бреخت ижодини ўргатувчи ишчи тўғаранка уюшган ёш олимлар билан ҳамкорлиги натижасида 18 диссертация ва бошқа иллий ишлар нашр этилди. Марназ Брехтнинг театрларида қўйилётган барча янги постановкаларига катта эътибор бериш билан бирга, Бреخت инсценировкалари ҳақидаги ҳужжатларни ҳам сақлайди. Серқирралиги ва долзарблиги сабабли ер юзиде Бреخت ижодиға қизиқиш тобора ортмоқда. 1988-92 йиллар давомида ёзувчининг ўттиз томлик асарлар тўпламини иловаси билан чоп этишга қарор қилинган.

## Янги совет—япон фильми

«Мосфильм» киностудияси ва «Совинфильм» Бутуниттифок бirlашмаси акадрили Токиода «Тоэй» кинокомпанияси ва «Тэрэби Асахи» телекомпанияси билан ҳамкорликда яратилган совет-япон бадий фильми ҳақидаги шартномени имзоладилар. Фильмге машҳур япон ёзувчиси Юкио Тагаванин икки романи асос қилиб олинди. Ушбу асарлар шимолнинг шафқатсиз табияти, унинг одамларни ва қўтнинг оқ бўйларини билан инсон алоқаларини ҳақидаги драмаларга бой. Янги фильм воқеа баён этилган Алясканинг табиятини эслатувчи Сибирида, шунингдек, Японияда суратга олинади.

Лойиҳе иштирокчилари фильми қизиқарли чиқеди, иккала мамлакатнинг маданий ҳаётиде сезиларли воқеа бўлади, деб умид қилишмоқда. Картиме устидеги ишларни 1990 йилда тугаллаш кўзда тутилади.

## ДАРОМАД МАНБАИ

Қўнча черков ва ибодатхоналарини тунаш Перу жиноятчилари учун асосий даромад манбаларидан бири бўлиб қолди. Жумладан, яқинда Арекипа шаҳридаги Сан-Ласаро эҳроми уларнинг қурбони бўлди. Жиноятчилар бу ердан олтиндан ясалган икки идиш, қимматбаҳо металллардан ясалган бошқа асбоб-анжомларни ҳамда тилла ва кумушдан ясалган, баландлиги 70 сантиметрга тенг эҳсонлар сақландиган нодир анжомни ўмариб кетишди. Заргарлик санъатининг мазкур дурдонаси Перунинг испанлар томонидан мустамакага айлантирилишининг шохиди бўлган эди. Полиция ҳозирча жиноятчиларнинг изига тушишга муваффақ бўла олгани йўқ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БУЛАДИ. Эуженио Шеккитано ўз рафиқаси ва ўғли билан иссиқ кунларда Сицилиянинг шимолдаги Липари оролига таширф буюрувчи туристлар учун ўзига хос эътибор объекти бўлиб қолди. Чиндан ҳам мана ўн йилдан бери жамоат... хожатхонасида яшаётган оилани учратиб амри маҳол. Тўғри, ундан кўпдан бери ҳеч ким фойдаланмайдиган, эгалари эса уни тартибга келтиришган. Узинг хос бу «ўйда» на сув, на электр бор, аммо каламуш



Қуддуснинг шарқий сектори эски шаҳар қисмида фаластинликларнинг олмайиш намойиши бўлиб ўтди. У ердан ололтинга хабарларга қараганда, масжиддан аънанавий номоздан чиққан араб аҳолиси фаластин байроқларини ва арабларнинг барча ерларидан босқинчи қўшилларнинг дарҳол олиниб чиқиб кетишини талаб қилувчи шорларни кўтарган. Уларнинг кутуб турган исроил солдатлари ва полициячилар фаластинликларни қалпаклай бошлаган. Шаҳарда қалоқда олишлар давом этамоқда.

СУРАТДА: Исроил полициячиси фаластинликларни кўз ёш ёш оқизувчи гранаталар билан ўққа тутмоқда.

Рейтер—ТАСС фотоси. сч.

Матқуб ҚУШЖОНОВ.

# Ҳамиша гавжум

Ўзбекистон ССР Халқ ҳужалиги ютуқлари кўргазмаси ташкил этилгандан буён бу ерда 13 миллион киши бўлди. Республикада тараққий этган катта халқ ҳужалигининг 120 дан ортиқ соҳаси бўйича эришилган ютуқлар кўргазмада намоён қилинмоқда. 20 мингдан зиёд экспонатлар 140 дан ортиқ бўйида жойлаштирилган. Жаҳон дағи 80 дан зиёд мамлакатдан келган делегациялар, туристнинг гуруҳлар ва йиғишлар ана шу кўргазмага доимо ташриф буюришади.

# ШАНБА ОҚШОМИ

# Жанг майдонидаги кийикча

(Жангчи ҳаётидан лавҳа)

## Бир асар тарихи

# «ШИНЕЛЛИ ИЙЛАР»

— Домла, энг аввал сизни собиқ ҳарбий капитан Улуғ Ватан уруши ветерани сифатида СССР Қуролли Кучларининг 70 йиллик байрами билан мухлисларингиз номидан чин қалбдан табриқлайман.

— Раҳмат. Армиямизнинг байрами — халқимизнинг байрами. Таъбир жоиз бўлса, Гинчлик байрами.

— Сизнинг ижодингизда уруш темасидаги асарлар алоҳида ўрин тутади. «Шинелли йиллар» лафтини шундай туркуми, «Оқибат» ли кишилар» қиссаси, «Шинелли йиллар» романи, қолверса «Олтин тангалар» романининг ҳам шу теманинг узвий давоми. Шу асарларингиздан сиз учун энг қадрилли қайси бири?

— Ҳаммасини. Ёзувчи мана бу асарим яхши, буниси ёмон дегилмайди. Агар шундай дегудек бўлса, ёмонини ёзмаганим керак. Шундай бўлса ҳам айтмай, мен учун энг сукуклики, мени энг «қийнагани» — «Шинелли йиллар».

— Нима учун?

— Қадрилли томони шунки, романдаги воқеаларнинг барчасини ўз кўзим билан кўрганам, қатнашганман. Қийнагани томони шунки, роман насрдаги биринчи катта қадамим.

— Агар малол келмаса, ҳарбий ҳаётингиз ҳақида ҳам сўзласангиз...

— Мен Шимолий Кавказ фронтда жанг қилганман. Краснодар, Моздок, Анапа, Тамань, Майкоп сингари шаҳарларни овоз қилишдаги жангларда қатнашганман. Ундан ортиқ станицани овоз қилганман. Жангларни эсласам ҳали-ҳануз вужудимга титроқ киради. Бир парча кўргашини не-не азаматларнинг умрига зомин бўлмайди.

— «Шинелли йиллар» романи ёзишни тарихини газетхоналаримиз билан ўртоқлашсангиз...

— Жанглардан биринчи каттиқ яраландим. Умуртамга, белмига сарфлар парчаси тегиб, контузия бўлиб қолдим. Бир ой госпиталда даволандим. Соғайвермагач, 1944 йилда Тошкентга келдим. То менинг олти ойлик отпускам тугагунча, уруш тамом бўлди. Омон умор бўлиб кетди.

— У пайтларда ҳали жанговар прозаимиз йўқ эди. Ойбек «домла»нинг «Кўёш қораймас» романи, Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин юлдуз» повести янги босилиб чиққан. Ҳаммага маълум, Ўзбек ёзувчилари фронтнинг олдинги линияларида бўлиб, жангчиларимизнинг мардиклари ҳақида шешлар, достонлар, йирик насрий асарлар яратишди.

Мени бир фикр чулғаб олди: ёзувчилар қалб даъвати билан бир-бир ярим ой фронтда бўлиб, асар ёзишди. Мен-чи, мен? Ахир шу суронлар гирдобиди, қонли жангларда бўлганман-ку? Ёзсам бўлмайми?

— Шундай билан қўлимга қалам олдим. Фронтда ўзим гувоҳ бўлган воқеаларни бир бошдан ёза бошладим.

## Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси ШУҲРАТ билан сўхбат.



ШУҲРАТ ИЙЛАР

— Назаринда воқеалар бир романига сиймайдигандек туюлди. Уни икки китобга бўлди. Биринчи китобини 1947 йилда тугатдим.

— Романинг сўнгига «1947—1957 йиллар» деб ёзилган. Айтишингизга қараганда, бунчалар эхтирос билан ёзганингизда унча узоқ муддатта чўзилмаслиги керак эди-ку?

— Ўртада беш йилча танаффус бўлди. Албатта, ўз ихтиросим билан эмас. Шаҳса сизнинг йилларининг азобини кўлгина қалам-кашлар қатори мен ҳам тоғитганман. Нўғ ерданги айблар, асосан, тўхматнинг кучи билан узоқ муддатта, ҳозир ошкоралик пайти, очикчаси айтман, йиғирма беш йилга ҳўк қилиндим.

Партиямизга ҳамиша шукроналар айтман. Ҳақни — ҳаққа, ноҳақни — ноҳаққа ажратди. 1955 йилда бегуноҳ эканлигим исботлангач, Тошкентга қайтдим. Ҳақиқат эгилар экану, аммо синмас экан...

Келган кунимданок романини тугатиш фикрига тушдим. Романининг биринчи қисми Ўзбекистон Давлат нашриётига топширилган, ҳатто рус тилига «подстрочный» таржима ҳам қилинган эди.

Уша пайтлардаги нашриёт директори Файзулла Юнусовга учрашдим. У «нашриётда йўқ, бўлса шу пайтгача романини кўрмасин» дейди. Қайлида жавоб қилди. Ни ма қилишимни билмайман. Қайқа борлигини билмайман. Диққат-борлигининг чеки йўқ. Қўлзма йўқ.

Дард-дунёим қоронғи бўлиб чиниб кетгандек нашриётнинг бош бухгалтери Касобов учраб қолди. Кўчоқ оинб, омонлашди. Ҳол-аҳвол сўради. Кейин:

— Менда бир китобнинг турлибиди. Русчаси ҳам бор. — деб қолди. Юрагимда зилзила бўлди. Тамамда. Унга миннатдорчилик билдириб, китобни олдим. Уша «Шинелли йиллар»нинг биринчи қисми.

Уйга келиб ўқиб чиқдим. Жуда бўш ва гариб кўринди кўзимга. Кейин уни икки китоб, 48 босма лист қилиш фикридан ҳам қайтдим. Янгидан ёза бошладим. 1957 йилда нўхта қўйдим.

Роман Ёзувчилар союзида муҳомада қилинди. Кўпчилик «Автобиография бўлиб қолибди, роман эмас» деб донишмандлик қилди.

Бахтимга, бу борада романинг русча таржимаси битиб қолди. «Военная» нашриётига топширдим. Номин машҳур П. Вершинора, Э. Казаневич каби ёзувчилар унга тақриз ёзишди. Айтинса, Вершиноранинг роман ҳақидаги «Армиямизда кўп миллилатли роман йўқ. Шўҳратнинг романи бунга тўла жавоб беради» деган ёзувлари менга қанот бўлди.

Роман Г. Соловьев таржимасида илк бор рус тилида 1959 йилда Москвада катта тираж билан босилиб чиқди. Декадада ҳам яхши баҳоланди. 1960 йилда Ўзбекистон тилида босилди. 1961 йилда рус тилида қайта нашр қилинди.

Роман жуда машҳур бўлиб кетди. Юқорида тилга олганим Э. Казаневичнинг асар тўғрисидаги мақоласи эълон қилинди. Марказий нашрларда полковник Водинскийнинг тақризи босилди. Кейин рус тилида яна бир навра, учинчи марта чоп этилди. Умумий тиражи 525 минг нўسخани



ташкил этди. Ўзбек тилида икки марта босилиб чиқди.

— Романда ўзим кўрган, билган воқеаларни қаламга олганман, дедим. Демак, роман қаҳрамонларнинг прототиплари бор?

— Ҳа, бор. Иштирок этган персонажларнинг кўпчилиги мен билан ёнма-ён жанг қилган одамлар. Ҳатто уларнинг номларини ҳам ўзгартирмаганман.

Асарнинг бош қаҳрамони Элмуродий ўзим десан ҳам бўлади. У бошдан кечирган талай шўришлар, воқеаларни ўзим бошимдан кечирганман. Зебо ҳам ҳаётда бор қизнинг образи. Ҳамшира эди. Юрағи пок қиз эди. Романда, гарчи ўққа учиб ўлса ҳам, аслида Зебо Каспий денгизига чўкиб ўлган. Унинг онаси Марьям ҳали ҳам ҳаёт. Анаси ҳам тирик.

Дивизиэмиз командири Ягудини ҳам жуда яхши билардим. Қримдаги фронтларда жони узилди. У ҳақида «Комсомольская правда» газетасида ҳам ёзишди. Роман босилиб чиққач унинг қизи Лариса (ҳозир Алупкада яшайди) мени излаб топди. «Ҳаммасини тўғри ёзибсиз» деб мактуб ёзди.

Роман қаҳрамонларидан бири Махаловнинг тақдирини қизиқ бўлган. Ўзи мен билан бирга ўқиган, бирга жанг қилган. Ҳозир Ашҳобда яшайди. Роман композициясига кўра у ҳалок бўлади.

Бир пайт менга мактуб келиб қолди. «Романдаги Махалов мен десам ўғлимни ишонмайпти. Нўкул у ўлган экан-ку, дейди. Мени ҳалок қилиб балога қўйдинг. Романдаги мен эканлигимни тасдиқлаб бер» деган мазмунда. Хат ёздим. Махаловнинг ҳалок бўлиши нега керак бўлганини тўшунтирдим.

Мурзин ҳам, лейтенант Даниленко ҳам худди шундай қаҳрамонлардан.

— Домла, мароқли сўхбатингиз учун раҳмат. Сизга ҳамиша ижодий кайфият тилаймиз, саломат бўлинг.

— Ҳар бир хонадон тинч бўлсин, дунё тинч бўлсин. Қўрган кечирганларимиз ўтган уруш хотираларини бўлиб қолса қошиқ эди.

Сўхбатини ТЕМУР УБАЙДУЛЛАЕВ олиб борди.

## Янги китоблар

# «Умар Ҳайём»

«Умар Ҳайём. У аввало ким бўлган? Шоирми? Астрономми? Математикми? Файласуфми? Балки унис ҳам, буниси ҳам, учинчиси ҳамдир? Ахир тарих инсоният фаолиятидаги айнан барча соҳаларга ҳисса қўшган истёдодли генийларнинг кўпини биллади. Бундай кишилар инсониятнинг барча авлодлари учун зийнат, унинг буюк бойлиги, олтин фонди...» дейишди совет тадқиқотчилари ака-ука Шомил ва Юмил Султоновлар Ўрта аср Шарқининг улкан шоири, буюк инсон ва олим Умар Ҳайём ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзишаркан. Уларнинг «Умар Ҳайём» номли китоблари «Молодая гвардия» нашриётининг машҳур серияси — «Ажойиб кишилар ҳаёти» («Жизнь замечательных людей» — ЖЗЛ)да чоп этилди. 150 минг нўسخада нашр қилинган китоб ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Умар Ҳайём образи, биздан минг йиллар аввалги давр ўзининг нимаси биландир замондошларимизни ром этган. Аслида эса Шарқнинг маънавий дунёси рус адабиёти ва санъати аробларини, кўп сонли китобхонларни илгаритдан қизиқтириб келди. Умар Ҳайём чўкур фалсафий трактат муаллифи, гениал шоир сифатида кўпчиликка яхши таниш, лекин олим ва инсон сифатидаги Ҳайём ижоди ҳақида жуда кам билларди. Султоновлар яратган Ҳайёмнинг таржимани ҳоли маскур нўسخани тўлдирганига ёрдам берди. Уларнинг мароқли қиссалари марказида юксак ижодий гайрат билан яшовчи кўшқин, эхтиросли инсон образи туради.

Муаллифлар китобхонни ўз қаҳрамонларининг оруз ва изланиш йўлидан олиб боршига ҳаракат қиладилар

Любовь МАРОВИЧ, (АПН).



Сергели районидидаги 104-мактабда қизлар раёс ансамбли тузилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ансамблга сайлов шайдоси, рус тили ўқитувчиси Дилором Наримонова раҳбарлик қилмоқда. Ансамблининг концерт номерлари рағбаранг ва қизиқарлидир. У корхона ва

ташкilotларда бўлиб туради. Яқинда мебель заводи ишчилари ёш ҳаваскор санъаткорларни алоҳида меҳр билан қарши олишди. СУРАТДА: ансамбль аъзолари янги рақсий репетиция қилишмоқда. Р. Албеков фотоси.

**ФАРДЛАР**

Ҳаёт хомни синар,  
Пишмаганлар синар.

\*\*\*

Кимки бўлеа элсуяр,  
Умри бўйи эл суяр.

\*\*\*

Ҳақиқат — қуёш, бир  
уйлаб кўр!  
Кўриб туриб тўхмат  
қилган кўр.

\*\*\*

Дўстликда: бу дўст — у  
дўстдан устун,  
Ҳаётда: чин дўст — чин  
дўстга устун.

Анвар МИРЗАЕВ.

**Қулоққа чалинган гаплар**

«Бў фильмин нафас олмасдан кўрсангиз бўлади».

(«Эртага — премьер» телекўрсатуви дикторининг гапидан).

«Юран тубидаги чўғ сизни кўриб аланг олди».

(Бир ошқ йиғитнинг қизга дегани).

«Жигули» арақ ичгани учун йўл қондасини кўпол равишда бузган.

(ГАИ инспектори актдан).

«Операция» пайтида кўлгина йўқотилган қосимини менга қайтиб беришмади.

(Бир ҳосининг дегани).

«Янги тушган келнимиз тилли-жағли экан...»

(Қайнаганинг гапидан).

«Пештахта остнда мол сақлашим — туман бойдик».

(Бир олғир мағзинининг ўғити).

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,  
Фаргона.

22 февраль




Душанба

7.00 «120 минут», 9.05 «Жадавдан ташқари»... 13.00 «Мен сен учун жавобгарман»... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

8-синф, 10.05, 12.10 Италия тили, 11.05 СПТУ ўқувчилари... 13.00 «Мен сен учун жавобгарман»... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

симфоник миниатюралари, 23.00 XV киши Олимпиада ўйинлари... 16.45 «Юришлар ҳамон хотирада»... 19.00 «Ахборот»... 21.30 «Ахборот»... 23.00 «Ахборот»



Турфа олам

ФАВҚУЛОДА ҚОБИЛИЯТ ЭГАСИ Хуань виллоятининг Шимань уездида истиқомат қилувчи Чан Чунфа исми ёш деҳқон қоронғида чироқсиз кун кечирши мумкинлигини табиий ҳол деб ҳисоблар эди...




Жузжа

7.00 «120 минут», 9.05 «Виктория», Телевизион бадий фильм, 10.30 «Диржиёр фикрича...»... 15.05 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

26 февраль

9.15 «Шонли шаҳар Новгород», Илмий-оммабоп фильм («Экран»), 9.35, 10.35 К. Г. Паустовский, «Мешчера томони»... 13.05 «Қизиқиларинг олами»... 15.05 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

18.20 «Рус тили — баргоча», 18.50 А. П. Чехов, «Зураки три траги», Сатирик новелла, 19.30 «Ахборот»... 21.30 «Ахборот»... 23.00 «Ахборот»




Сешанба

7.00 «120 минут», 9.00 «Армиянинг туғилиши», Телевизион ҳужжатли фильм... 13.05 «Офицерлар», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»


мий-оммабоп фильм («ЦНФ»), 9.35 Теварак атоф билан таниши, 2-синф, 10.05 Француз тили, 1-йил шуғулланётганлар учун... 13.05 «Офицерлар», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

с. 16.05 Мультифильмлар, 16.35 «Орленок-88», 17.35 «Уғлонлар қасамд қилдилар», Ҳужжатли фильм... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»... 21.30 «Ахборот»... 23.00 «Ахборот»



Шанба

7.00 «120 минут», 9.05 «Бадқовқ кишининг монолоғлари», Телевизион ҳужжатли фильм... 13.05 «Офицерлар», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»



Шанба

7.00 «120 минут», 9.05 «Бадқовқ кишининг монолоғлари», Телевизион ҳужжатли фильм... 13.05 «Офицерлар», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

27 февраль

нинг бир сахнали комик операси асосида телевизион фильм, (Таллин), 23.55 Янгиликлар... 7.00 «Ассалому алайкум», Информацион-музикали программа... 9.30 «Ахборот»... 11.30 «Ахборот»... 13.30 «Ахборот»

бин, 12.10 Қайта куриш йўлида, «Қайта ишлаш саноатини ривожлантиришни жадаллаштирайлик», Фарғона областидан кўрсатсув... 13.30 «Ахборот»... 15.30 «Ахборот»... 17.30 «Ахборот»




Чорпанба

7.00 «120 минут», 9.05 XV киши Олимпиада ўйинлари, 10.35 «Кунуноқ стартерлар», 11.20 Янгиликлар... 13.05 «Старшина», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»


научфильм), 9.35, 10.35 Музыка, 4-синф, 10.05 Немис тили, 1-йил шуғулланётганлар учун... 13.05 «Старшина», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

7.00 «Ассалому алайкум», 16.45 Ҳужжатли фильмлар программаси, 17.30 География, 18.00 Кўрсатувлар программаси, 18.05 «Кунуноқ камалак», 18.35 «Фарзандларимиз — ишларимиз давомчиси»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»... 21.30 «Ахборот»... 23.00 «Ахборот»



Яшанба

8.30 Янгиликлар, 8.45 Ритмик гимнастика, 9.30 «Ҳамма нарса ни билганимиз истайман!», Кинокурал, 9.45 «Спортлото» тиражи... 13.05 «Старшина», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»




Яшанба

8.30 Янгиликлар, 8.45 Ритмик гимнастика, 9.30 «Ҳамма нарса ни билганимиз истайман!», Кинокурал, 9.45 «Спортлото» тиражи... 13.05 «Старшина», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

28 февраль

12.25 «Агар Сизга...», 13.10 «Харрекет ҳавфсизлиги учун», 13.15 XV киши Олимпиада ўйинлари, Бослей, Тўртовол, Калгаридан кўрсатилади... 15.30 «Ахборот»... 17.30 «Ахборот»... 19.30 «Ахборот»

нин, Урта Осиё республикалари ва Қозғоғистон телевидениеларини бириктириш программасининг ироғида кўрсатилади, 14.10 Тунги информация-дам ололиш программаси (такрор)... 15.30 «Ахборот»... 17.30 «Ахборот»... 19.30 «Ахборот»




Найшанба

7.00 «120 минут», 9.05 «Қишлоқ», Телевизион бадий фильм («Киевнаучфильм»), 10.15 XV киши Олимпиада ўйинлари, Чанги кўшураш, Хоккей, Финал группаси командалари матчи... 13.05 «Опагинам», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»


9.15 «Мулоҳаза», Илмий-оммабоп фильм («Леннаучфильм»), 9.35, 10.35 Музыка, 5-синф, 10.05 Испан тили, 1-йил шуғулланётганлар учун... 13.05 «Опагинам», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»

16.45 Болалар учун фильмлар: «Енисей юнгалари», «Утороп ларпарлари», 17.30 Эстетика асослари, Тасвирий санъат, 18.00 Кўрсатувлар программаси... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»... 21.30 «Ахборот»... 23.00 «Ахборот»



Яшанба

8.30 Янгиликлар, 8.45 Ритмик гимнастика, 9.30 «Ҳамма нарса ни билганимиз истайман!», Кинокурал, 9.45 «Спортлото» тиражи... 13.05 «Старшина», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»



Яшанба

8.30 Янгиликлар, 8.45 Ритмик гимнастика, 9.30 «Ҳамма нарса ни билганимиз истайман!», Кинокурал, 9.45 «Спортлото» тиражи... 13.05 «Старшина», Бадий фильм... 15.30 Янгиликлар... 17.00 «Кўнрақ»... 19.00 «Тун ҳам бўлди, кун ҳам...»



Тошкент оқшоми

Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.




Тошкент оқшоми

«Вечерний Ташкент» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.



РЕДАКЦИЈА АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР:

буғилар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет кўририлиши ва ҳақ қилари — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 32-08-74, 32-57-84; 84; шахар ҳўжалиги, савдо ва маийий хўжалик — 32-55-39; капитал қурилиши — 32-56-85; фан ва ўнў юртилар — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-внатарларнинг тарбияси — 32-53-82; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; кўчлар ва омалий ишлар тарбияси — 32-55-37; жоаотиқчил редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; 66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-91-42.